2011 йил 6 январь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 4 (11.815) | Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ – 4117-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда замонавий халқаро стандартлар ва талабларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳаракатланиш ҳужжатларини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсларининг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралда қабул қилинган ПФ – 2240-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалдаги паспорти ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома 2015 йил 31 декабргача ҳақиқийлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хўжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов) оммавий ахборот воситаларида (матбуот, телевидение, радиоэшиттириш) фуқаролар ўртасида мазкур Фармоннинг асосий қоидаларини кенг тарғиб қилиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувлар тайёрлашни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (Э.Ғаниев) белгиланган тартибда хорижий давлатлар ҳукуматларини, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотини ва Халқаро стандартлаштириш ташкилотини Ўзбекистонда миллий паспорт тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида хабардор қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрда қабул қилинган ПФ – 3358-сонли Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатининг V бўлими қуйидаги мазмундаги 7-банд билан тўлдирилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази».

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (Б.Матлюбов) Адлия вазирлиги (Р.Муҳитдинов) ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 5 январь*

**Миллий матбуот марказида «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида ўтказилаётган корхона, ташкилот ва муассаса ёшларининг II Республика анжуманига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

## ВАТАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ҳамкорлигида ташкил этилган Республика анжумани доирасида илмий-амалий семинарлар, турли кўнгилочар дастурлар намойиш этилади. Анжуман корхона, ташкилот ва муассаса ёшларининг маънавий салоҳиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, илғор кадрларни ватан равнақи йўлида бирлаштиришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Анжуман доирасида пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига экскурсия ташкил этилади, қатор тадбирлар, жумладан «Касбим-фахрим менинг!» шиори остида касблар фестивалининг республика босқичи ўтказилади. Шунингдек, тадбир иштирокчилари «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси ва «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» ва «Марказий темирйўлчилар музейи» билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишади.

Анжуманнинг очилиш маросими Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида бўлиб ўтади. «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг роли» мавзусидаги семинарда 100 дан ортиқ «Камолот» ЁИҲнинг бошланғич ташкилоти вакиллари иштирок этади.

— Анжуман ташкилот, корхона ва муассасаларда фаолият юритаётган ёшларнинг хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш, манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, – дейди «Туркистон-пресс» мухбирига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳамеджонова. – Тадбир доирасида маданият ва санъат намояндалари, хусусан «Сув ёқалаб» фильми ижодкорлари, 16-Осиё ўйинлари ғолиблари ва совриндорлари билан учрашувлар ҳамда турли спорт мусобақалари ташкил этилиши кўзда тутилган.

**Эргаш ХЎЖАЕВ,**
**«Туркистон-пресс»**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Қарор ва ижро**

## ЙИГИТЛАРНИНГ САРАСИ АРМИЯГА БОРАДИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2011 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилади.**

Айни пайтда жойлардаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари томонидан ушбу ҳужжат ижросини изчил таъминлаш, навбатдаги чақирувни юксак савияда ташкил этиш, ҳар томонлама етук ёшларни танлов асосида саралаш ишлари давом этмоқда.

Тошкент шаҳрида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилаётир. Чақирилувчиларнинг оилавий шароити, ҳарбий хизматга мослашув имкониятлари атрофлича ўрганилмоқда, соғлиғи текширилиб, жисмоний ва интеллектуал салоҳияти синовдан ўтказиляпти. Зеро, миллий армиямиз сафларида хизмат қиладиган ҳар бир йигит жисмонан ва маънан етук, ҳар қандай вазиятда зиммасига қўйиладиган вазифаларни белгиланган муддатда сифатли бажаришга қодир бўлиши керак.

Йигитларга аскарлик бурчи ва масъулиятини тушунтириш борасида олиб борилаётган изчил ишлар самарасида, чақирилувчиларнинг ҳарбий соҳага оид тушунчаси бойиб, ёшлар ўртасида муддатли ҳарбий хизматни ўташга бўлган қизиқиш ва интилиш йилдан-йилга ошмоқда. Бу мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида баркамол авлод тарбияси йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган юксак самаралардандир.

– Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакилларидан тузиладиган чақирув комиссияси 2011 йилнинг 1 февралидан иш бошлайди, – дейди Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи, майор Бахтиёр Тўхтаев. – Танлов ва синовлардан муваффақиятли ўтган, соғлиғи ва оилавий шароити талабга жавоб берадиган чақирилувчилар 2011 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга тантанали равишда кузатилади. Қолган чақирилувчилар, белгиланганидек, сафарбарлик чақируви резерви хизматига олинади.

Яккасарой туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини тамомлаган Шарофиддин Файзиев муддатли ҳарбий хизматга бориш учун жиддий тайёргарлик кўриб келаётган йигитлардан.

– Армияга бориш орзусининг ўзи камлик қиларкан, – дейди Ш.Файзиев. –Буни ўтказилган дастлабки тиббий кўрик, жисмоний тайёргарлик ва тест синовларида янада теран англадим. Соғломлигим, фанларни чуқур ўзлаштирганим ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланаётганим натижасида, муддатли ҳарбий хизматга кетиши мумкин бўлган чақирилувчилар рўйхатига киритилдим.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Аграр ва сув хўжалиги масалалари ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталарининг парламент эшитувлари ўтказилди.
- Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида фарзандларимизни баркамол инсон этиб вояга етказишда миллий кинофильм, мультфильм ва ўйинчоқларнинг аҳамиятига бағишланган илмий-амалий анжуман ташкил этилди.
- Янги йил байрами шукуҳи давом этаётган шу кунларда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишчи-муҳандисларидан 50 нафарга яқинига Қоровулбозор шаҳрининг Имом Бухорий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида барпо этилган янги уйлар калитлари топширилди.
- Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида пиллани қайта ишлаш корхонаси иш бошлади. Бу ерда 180 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди, 290 минг АҚШ доллари миқдорида энг замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди.Янги корхонада айни пайтда етмишдан зиёд киши меҳнат қилмоқда.
- Андижон вилояти Ёшлар марказида 18 нафар йигит-қизнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган бу хайрия тадбирида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда кўп болали оилалар фарзандлари никоҳдан ўтди. Ҳомийлар томонидан ёш келин-куёвларга зарурий уй-рўзғор анжомлари ва маиший техника жиҳозлари ҳадя қилинди.
- Бухоро вилояти Жондор туманидаги чигит ва кунгабоқар уруғини қайта ишлайдиган «Евроснар» масъулияти чекланган жамияти ўтган йили ўз фойдаси ва банк сармояси ҳисобидан жами 450 миллион сўм сарфлаб, ёғни қадоқлаш технологик линиясини ўрнатган эди. Яқинда бу ерда замонавий технологиялар билан жиҳозланган ёғни ҳидсизлантириш цехи ишга туширилди. Ана шу икки лойиҳани амалга ошириш туфайли корхонада 30 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.
- Косонсойлик тадбиркор Котибжон Пайзуллаев «Боғишамол» маҳалласида болалар боғчасини қуриб, фойдаланишга топширди. «Моҳинабону» деб номланган мазкур хусусий болалар боғчасини бунёд этиш ишларига салкам 50 миллион сўм маблағ сарфланди. Ҳозирги кунда бу ерда 30 нафардан зиёд ўғил-қиз мактабгача тарбия сабоқларини олаяпти.

### ЖАҲОНДА

- АҚШ Конгрессининг ўтган йили ноябрь ойидаги сайловлардан сўнг шакллантирилган янги таркиби кеча қасамёд қабул қилди ва ўз фаолиятини бошлади.
- Ҳиндистоннинг БМТдаги доимий вакили Хардип Сингх Пури БМТ Хавфсизлик кенгаши аксилтеррор қўмитасининг янги раҳбари сифатида иш бошлади.
- Судан президенти Умар ал Башир 9 январь куни ўтказиладиган референдумда шимолдан ажралишни ёқлаб овоз беришса, Жанубий Судан раҳбариятига хавфсиз ва барқарор давлат тузишлари учун барча кўмакни беришини айтди. Президент шимол ва жанубнинг бирлиги ҳам, Суданнинг икки қисмга бўлиниши ҳам умумхалқ овозига қараб ҳал бўлишини таъкидлади.
- Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган навбатдаги савдоларда нефть нархининг ошганлиги қайд этилди.
- Кеча Голландиянинг Роттердам шаҳри атрофидаги саноат зонасида жойлашган кимёвий маҳсулотлар омборида портлаш рўй берганлиги боис кучли ёнғин чиқди. Натижада яқин атрофга заҳарли тутун таралмоқда. Портлаш сабаблари ҳозирча номаълум.
- АҚШ Аҳолини рўйхатга олиш бюроси тарқатган хабарларга қараганда, 2012 йилда сайёрамизда яшаётган одамлар сони етти миллиардга етади.
- Исломободда покистонлик таниқли сиёсатчи, Панжоб музофоти губернатори Солман Тозир ўлдирилди. Мамлакат ички ишлар вазирининг билдиришича, қотил — сиёсатчининг тансоқчиларидан бири ўз айбини тан олган ва полицияга таслим бўлган. Губернаторнинг ўлими муносабати билан мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **«ЁШЛИК»** талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги томонидан ҳудуддаги таълим муассасалари ва маҳаллаларда янги йил муносабати билан уюштирилаётган хайрия акциялари давом этмоқда. Кеча шаҳарча ҳудудида истиқомат қилувчи бир гуруҳ ёшлар Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрида янги спектакль премьерасини томоша қилишди.

✓ **ШАҲРИМИЗ** мактабларида 9-синф ўқувчилари ўртасида 17 та фан бўйича олимпиадалар бошланди.

✓ **БУГУН** «Қушбеги» болалар спорт мажмуасида спортнинг гандбол, «Гули-чимбой» мажмуасида эса сузиш бўйича «Умид ниҳоллари» мусобақасининг шаҳар босқичи беллашувлари бўлиб ўтди.

# ЙИГИТЛАРНИНГ САРАСИ АРМИЯГА БОРАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Тошкент шаҳридаги маҳаллаларда Шарофиддинга ўхшаган чақирилувчилар иштирокида ўтказилаётган учрашувларда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, муддатли ҳарбий хизматчиларга берилаётган имтиёзлар, ҳарбий қисм ва муассасаларда яратилган шарт-шароитлар ҳақида атрофлича маълумотлар берилмоқда. Тадбирлар жараёнида давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳиятини кенг тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармонига мувофиқ жойлардаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларининг чақирув пунктлари барча зарур замонавий тиббий асбоб-ускуналар, алоқа ва автотранспорт воситалари билан таъминланди. Иситиш тизимларидаги мавжуд муаммолар бартараф этилди.

Ўтган йиллари пойтахтимизнинг қатор туманлар мудофаа ишлари бўлим ва чақирув пунктларининг иситиш тизими ва бинолари замон талаблари асосида таъмирланди. Бектемир, Сергели ва Ҳамза туманлари мудофаа ишлари бўлимлари чақирув участкаларидаги шарт-шароит янада яхшиланди.

Булар чақирув билан боғлиқ барча ишларни ўз вақтида, сифатли ва самарали ташкил этишга, Қуролли Кучларимиз шахсий таркибини замон талабларига тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама соғлом, мард ва жасур йигитлар билан тўлдиришга хизмат қилади.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

**«Камолот»дан Янги йил! лойиҳаси доирасида шаҳримиз маҳаллалари, ўқув муассасаларида ижтимоий, маънавий ва маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.**

# БОЛАЖОНЛАР КЎНГЛИ ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

«Камолот» табриги» тадбири Юнусобод туманида жойлашган Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида ташкил қилинди. Бунда марказда вақтинчалик тарбияланаётган ёшларни байрам билан қутлаш ва эсдалик совғаларини улашиш орқали уларнинг кўнглини кўтариш каби хайрли мақсад кўзланди. Марказ ҳовлисида ўрнатилган байрам арчаси атрофида жам бўлишган ёшларни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Маҳмуджон Асомов ҳамда марказ раҳбари Абдужаббор Бобоевлар қутлаб, ўзларининг эзгу тилакларини билдиришди.

Ҳ.Олимжон номидаги маданият уйидан ташриф буюрган санъаткорлар томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар ҳамда «Камолот»нинг бир гуруҳ фаол сардор ва етакчилари уюштирган қизиқарли ўйинлар тадбирнинг кўтаринки руҳда ўтишига хизмат қилди. Шунингдек, марказнинг барча тарбияланувчиларига байрам совғалари тақдим этилди, Кечгача давом этган тадбир болажонлар қалбига бир олам қувонч улашди.

**Нгора МИРСОДИҚОВА,**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси**



## Маънавият

# ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Республика Маънавият тарғибот марказининг шаҳар бўлими, Халқ таълими бош бошқармаси, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан Шайхонтоҳур туманидаги 34-мактабда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбек халқ эртаклари» шиори остида эълон қилинган кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Мазкур танловни ўтказишдан мақсад иқтидорли, ташаббускор, баркамол ва маънавий соғлом ёш авлодни камол топтиришга йўналтирилган маънавий-маърифий тадбирларни кўпроқ ташкил этиш ҳамда жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёшлар учун муносиб турмуш шароитини яратишдан иборатдир.

Танлов ғолибларини тақдирлаш маросимида викторина ўйинлари, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан тайёрланган концерт дастури барчага хуш кайфият улашди.

**Гулором ҲАМИДОВА**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

## Иқтисодиёт

# МАҲСУЛОТ ХАРИДОРГИРЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**2005 йилдан буён 30 нафар малакали ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган «Гранд-максимум» масъулияти чекланган жамияти томонидан ички ва ташқи бозорни ўрганиш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидор талаб ва эҳтиёжини қондириб, чет элники билан сифати, замонавий дизайни жиҳатидан бемалол рақобатлаша олишига муҳим эътибор қаратилади. Янгиликка интилган корхонада истиқболли лойиҳалар яратилиб, изланишлар давом эттирилмоқда.**

Ҳозирда тажрибали, ўз ишининг устаси бўлган мебелсозлар маҳоратли дизайнчилар кўмагида замонавий хорижий технологиялар, дастгоҳ ва ускуналардан унумли фойдаланишаётир. Айтиш жоизки, мебеллар харидоргирлигини таъминлаш борасида ҳам самарали ишлар амалга ошириляпти.

Замон билан ҳамқадам ҳолда корхонада буюртмачи эҳтиёж-истагига кўра иш юритиш баробарида ўзларининг малакали таклифларини ҳам тавсия этишади. Ишлаб чиқаришда сифат доимий назоратда. Республика бўйлаб кўплаб мижозлари мавжуд корхона маҳсулотлари экологик мувофиқлик сертификатига эгалиги билан алоҳида ажралиб туради.

Мамлакатимизда кейинги пайтларда кенг кўламдаги бунёдкорлик, реконструкция ишлари давом эттирилмоқда. Корхоналарни замонавий жиҳозлаш мақсадида жамиятда тайёрланаётган ётоқхона, меҳмонхона, ошхона, офис ҳамда таълим муассасалари учун ранг-баранг маҳсулотлар буюртма асосида етказиб берилмоқда. Ҳозирда корхонада мижозларга 40 турдаги мебеллар тавсия қилинмоқда. Айниқса, кейинги икки йил давомида олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда қишлоқларда қурилаётган замонавий турар жойлар учун турли материаллардан катта туркумдаги мебель ва жиҳозлар тайёрлангани эътиборга лойиқдир.

Имкониятлардан оқилона фойдаланаётган «Град-максимум»чилар мижозлар талабига мос, сифатли ва нисбатан арзон, импорт ўрнини босувчи маҳсулотар турларини кўпайтириш, янги ҳамкор, ўзаро манфаатли шериклар, буюртмачилар сафини орттиришга астойдил бел боғлашган.

# ХАЛҚАРО СИФАТ ДАРАЖАСИДА

**Халқаро сифат даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ички бозоримизни сифатли ва рақобатбардош товар билан узлуксиз таъминлаш баробарида, экспорт ҳажми юксалишида ҳам муҳим ўрин эгаллаётгани қувонарли ҳол албатта.**

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Asklepiy-Svift» қўшма корхонаси шундай корхоналар сирасига киради. 1998 йилдан фаолият кўрсатаётган корхонада бугунги кунда 120 нафардан зиёд малакали ишчи-хизматчилар меҳнат илмоқда. Бу ерда аҳоли саломатлиги йўлида 40 турдан зиёд тиббиёт гигиеник маҳсулотлари «White GOLD» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилади. Турли ҳажмларда қадоқланган пахта, бинт, дока, салфетка, боғловчи материалар шулар жумласидандир. Янги — косметик мақсадларда қўлланиладиган мини салфеткалар тўпламининг ҳам харидоргирлиги таъминланмоқда.

Корхонада модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш борасида қилинаётган ишлар эзининг юксак самараларини бермоқда. Янги линиялар қувватидан фойдаланиш, маҳаллий сифатли хом ашё туфайли «Asklepiy-Svift» қўшма корхонасининг барча маҳсулотлари халқаро стандартлаштиришнинг бошқарув тизими ва менежмент ISO 1901:2000 сифат белгисига тўлиқ жавоб беради.

Шу боис ҳам қўшма корхона маҳсулотлари фақат ички бозорни тўлиқ таъминлабгина қолмай, балки ҳозирда Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Беларусь, Украина каби Ҳамдўстлик давлатларига «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи билан экспорт қилинмоқда.

# МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

**Юртимизнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик масаласига ечим топиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни муҳим бўлиб, шу боис мазкур соҳани ривожлантириш, рағбатлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган.**

— Ўтган йили 50 миллион сўмлик кредит ҳисобига янги замонавий саноат дастгоҳлари келтириб ўрнатдик, — дейди «Серге энд партнерс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Сирожиддин Баҳодиров. — Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибордан руҳланган ҳолда олдимиздаги мақсад ва вазифаларимизни бажариш баробарида, янги-янги лойиҳалар устида ишлаяпмиз. Ҳозирги кунда корхонамизда импорт ўрнини босувчи тозаловчи восита кир ювиш кукунлари ишлаб чиқарилади. Шуни айтиш жоизки, ишлаб чиқаришда деярли 90 фоиз маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда 15 нафар малакали ишчи-хизматчи бир чоракда 40-50 миллион сўмлик сифатли маҳсулот тайёрлайди. Барча товарлар гигиеник сертификатга эга бўлиб, уй шароитида қўллашда инсон организми учун хавфсизлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу эса корхона ҳар бир маҳсулотни оммавий ишлаб чиқаришдан аввал имёгар олим, етакчи мутахассислар ҳамкорлигига таянишидан ёрқин далолатдир

Самарали саъй-ҳаракатлар боис, «Хозяюшка» савдо белгиси билан тайёрланаётган барча маҳсулотлар бутун республикамизда харидоргирлиги билан танилган, буни юртимизнинг барча ҳудудларида уй бекалари, хотин-қизлар эътироф этади. Ҳозирда корхонада янги маҳсулот турлари — 75 фоизи маҳаллий хом ашёдан иборат кирни оқартирувчи ва ойна ювиш воситаларини харидорларга тортиқ этиш устида ишлар якунланмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

# КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН КИЙИМ-КЕЧАКЛАР

**Бозорларимиз ва савдо дўконларимиз пештахталаридаги болалар кийим-кечаклари бугунги кунда кўзларимизни қувнатиши баробарида сифати билан ҳам харидорларга манзур бўлмоқда.**

Яна шуниси эътиборлики, улар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Бир неча йиллик фаолияти давомида янги туғилган чақалоқлар ва уч ёшгача бўлган кичкинтойлар учун кийим-кечаклар тайёрлаётган «Шафақ текстиль» қўшма корхонаси маҳсулотлари алоҳида дизайни, сифати билан ажралиб туради. Улар юз фоиз пахтадан тайёрланган матолар асосида тикилади.

— Биз тайёрлаётган маҳсулотларда сифат биринчи ўринда туради, — дейди корхона директори Одил Окчакора. — Нафақат ички, балки хориж бозорини ўрганганимиз боис ҳам моделларимиз турлари кўпайиб бормоқда. Айни пайтда 100 хилдан ортиқ моделдаги кийим-кечакларни ишлаб чиқаришга жорий этганмиз. Улар орасида чақалоқлар тўпламлари, ўғил ва қиз болалар либослари, мавсумий кийимлар бор. Энг муҳими эса матоларни танлашда аввало бола саломатлигини таъминлашдаги аҳамияти, иқлим шароити эътиборга олинади.

Айни пайтда тадбиркорлар хориждан янги турдаги тикув ва нақш солиш машина ҳамда ускуналари келтириб, янги цех ташкил этишни режалаб туришибди. Бу билан хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратилиши баробарида, ота-оналар ва болаларга манзур бўладиган маҳсулотлар турларини кўпайтириш, экспортни ҳам йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

## Саховат

# КЕКСАЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

**Халқимизда азал-азалдан кексаларнинг ҳолидан хабар олиб, эзгу тилакларни билдириб, уларнинг дуоларига муяссар бўлиш хайрли, савобли, унутилмас миллий қадриятлардан биридир.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши бу борада ҳамкорликда кўплаб хайрли ишларга бош бўлмоқда. Яқинда янги йил байрами муносабати билан республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатидаги нуроний қариялар совға-саломлар, эзгу дил сўзлари билан табрикланди.

— Кексалар ҳолидан хабар олиш, эътибор қаратиш, кўнгилдан чиқариб ҳадялар бериш уларнинг соғлиғига, кайфиятига ижобий таъсир этади. Пансионатда фахрийлар учун давлатимиз томонидан барча зарур, қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Бундан албатта нуронийлар беҳад мамнун. Ҳозирда бу ерда 153 нафар нуроний отахон, онахонларга хизмат кўрсатилмоқда, — дейди пансионат раҳбари ўринбосари Тоҳир Азимов.

— Азиз болаларим, бизлардек кексаларни йўқлаб келганингиздан бошимиз осмонга етди. Илоҳим гўзал юртимиз тинч, янада обод, фаровон бўлиб, ҳар бир инсон юрагидаги эзгу ниятига етиб, бахтли бўлсин, — дейди самимий дил сўзларини билдириб 98 ёшли Боғдагул момо Шарипова.

— Совға-саломлар, чиройли табассум, дил сўзларини айтиб, байрам билан қутлаб келганингиз учун чуқур миннатдорчилик билдирамиз. Доимо сизлар ҳам эъзозда бўлинг, — дея ўз миннатдорчилигини билдирди биринчи гуруҳ меҳнат ногирони Юрий Сопин.

Бундан ташқари шаҳар касаба уюшмалари тизимидаги корхона, ташкилотларда уруш ва меҳнат фахрийларига имконият даражасида турли шаклда моддий ёрдам кўрсатилмоқда, мароқли дам олишларига эътибор қаратилмоқда. 2010 йилда пойтахтимиздаги уруш ва меҳнат фахрийларидан 50 нафарига қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилиб, нуроний отахонлар, мунис онахонлар кўҳна тарихий обидаларни зиёрат қилиб, бир олам таассуротлар билан қайтдилар. Шунингдек, куни кеча якунига етган йилда шаҳар корхона, ташкилотларида 2483 нафар ёлғиз кексалар ҳомийликка олинди. Улардан 753 кишига моддий ёрдам берилди. 793 кишининг ҳолидан хабар олиниб, байрамлар муносабати билан табрикланди. 54 кишига дори-дармонлар, 96 кишига озиқ-овқат маҳсулотлари олиб берилди, 51 кишининг коммунал тўловлари қопланди.

Халқимизга хос бўлган меҳр-муҳаббат, бағрикенглик, кексаларнинг кўнглини обод этиб, дуосини олишдек хайрли ишларнинг давом этаётганлиги ғоят қувонарлидир.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

# «АТИРГУЛ» ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси журналист хотин-қизларнинг касб маҳорати ва интеллектуал савиясини юксалтириш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган анъанавий “Атиргул” кўрик-танловини эълон қилади.**

*Танловга тақдим этиладиган материалларда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтиришга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, шунингдек, интеллектуал ва маънавий етук ёш авлодни вояга етказишга қаратилган мавзулар ёритилган бўлиши керак.*

*Танловга 2010 йилнинг 1 мартидан 2011 йилнинг 15 февралигача босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган, телевидение ва радио орқали эфирга узатилган ҳамда интернет нашрларида берилган материаллар 2011 йилнинг 20 февралигача қабул қилинади.*

*Танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами арафасида топширилади.*

*Танловга тақдим этилаётган ижодий ишларга муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси, манзили ва боғланиш телефонлари илова қилиниши керак.*

***Материаллар “Атиргул” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:***

***100129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 35- ва 37- хоналар.***
***Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси***
***Тел: 244-64-61; 244-37-87.***
***E-mail: ljod@sarkor.uz***

# ЎСМИРЛАР РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

**Бугунги кунда аҳоли, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳукуматимизнинг муҳим устувор вазифаларидан бирига айланган. Зеро, соғлом фарзанд — соғлом жамият демакдир. Шу боис жойларида ёшлар ўртасида мутахассислар иштирокида ўтказиб келинаётган ўсмирлар репродуктив саломатлигига бағишланган турли хил анжуманлар, давра суҳбатлари диққатга сазовор бўлаётир.**

Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали ташаббуси билан Сергели туманидаги 317-мактабда «Ўсмирлар репродуктив саломатлиги» мавзусида бўлиб ўтган тадбир ҳам шулар жумласидандир. Тадбирда мазкур институт мутахассислари Азизбек Каримов «Ўсмирлар репродуктив саломатлиги», Умиджон Абдуллақулов «Микронутриентлар етишмаслигининг олдини олиш», шифокор Марина Сек «Вирусли гепатитнинг олдини олиш» мавзуларида маъруза қилиб, ёшларнинг ўз саломатликларига эътибор қаратишлари, соғлом турмуш тарзига доимо амал қилишлари лозимлигини тушунтириб ўтдилар.

Савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар остида ўтган тадбир ўсмир-ёшларда катта таассурот қолдирди.

**Дилором ИКРОМОВА**

